

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ
ХАБАРНОМАСИ**

3 (65) 2016



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

3 (65) 2016

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Журнал 2000 йил апрел
ойида ташкил топган

Бир йилда 4 марта
чоп этилади

Тошкент

№ 3 (65) 2016.

МУНДАРИЖА

Селекция, генетика ва уруғчилик

<i>Б.Х.Аманов, А.А.Абдуллаев, С.М.Ризоева. G.Barbadense L. турига мансуб биохилма-хилликларидан фойдаланиш асосида климатли хўжалик белгиларига эга бўлган янги донорлар олиш</i>	7
<i>Д.Д.Ахмедов, В.А.Автономов. Навлараро F₁-F₂ дурагайларида тезпишарлик белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги</i>	10
<i>Н.Қ.Ражабов. Сугорил ва озиқлантириш тартибларининг Зарафшон Ўнқўрғон-1 ғўза навлари хосилдорлигига таъсири</i>	14
<i>А.Й.Қурбонов, В.А.Автономов, Ш.Ш.Егамбердиев, Х.Маширатов. Ғўзанинг G.hirsutum L. турдаги навлараро F₂ дурагайида “биринчи симподий шохи ўрни” белгисини шакллантириш</i>	19
<i>М.С.Раҳманқулов, Р.Г.Қим, А.Р.Шадманова, А.Бакирова. Маркёр тестидан фойдаланиб эртапишарлик, вилтта чидамлилиқ ва тишклиқ селекцияси</i>	22

Тупроқшунослик ва агрохимё

<i>Н.Ю.Абдураимонов. Лалми жигарранг тупроқларнинг ҳозирги ҳолати</i>	26
<i>А.Л.Санақулов, Ф.Ҳ.Ҳошимов. Зарафшон vodiysi тупроқларида молибден (Mo) микроэлементининг тарқалиши ва аккумуляцияланиши</i>	31
<i>Н.И.Шадиева. Эрозияланган тоғ тупроқларининг механик таркиби, уни тупроқ унумдорлиги ва гумус тўпланишидаги аҳамияти</i>	34
<i>М.М.Тошқўзиёв, Т.Т.Бердиев, С.Қ.Очилов. Оролбўйи ҳудуди сўғориладиган тупроқларининг айрим физик хоссалари ва уларнинг мелiorатив ҳолати</i>	37
<i>Д.Жалилова Г.Т. Қизилқ ерларини геоморфологик шароитлари ва уларни тупроқ дeгpадациясига таъсири</i>	42
<i>Г.М.Набиева, Л.А.Гафурова, А.Р. Асадов. Рақамли харита яратиш асосида яйлов ерлари тупроқ ресурсларининг тахлили</i>	47
<i>О.В.Мячина. Тупроқ микробларининг ферментлик фаолиятига таъсир этувчи фосфорли бактерия ўғитлари</i>	53

Мева - сабзавотчилик ва ўрмончилик

<i>Б.Д.Азимова. Чўллarda помидор ва қовун етиштиришда тупроқнинг туз таркиби</i>	57
<i>С.Я.Исломов, Ж.А.Шамшиев. Ўсимликлар узок давом этадиган ҳаракатсизлик даврини ўтказишлари туфайли вегетатив кўпайтириладиган паст бўйли олма пайвандлағларининг совуққа чидамлилиги</i>	61

Ўсимликларни химоя қилиш

<i>Ж.Х.Раҳмонов, А.Ш.Шералиев. Дузқакли экинларда фузариоз касаллигини Ўзбекистонда ўрганиш тарихи ва уни ечишнинг муаммолари</i>	65
<i>Н.Р.Тиллаходжаева. Ғўзанинг фузариоз сўлиш касаллигига қарши триходермин биопрепаратининг биологик самарадорлиги</i>	69
<i>Н.Хайтбаева, М.Мамиев. Ғарезсизлик навли буғдой донининг унувчанлигига, ўсish, ривожланишига Fusarium Link Et Fr., туққумига мансуб замбуруғлар метоболитларининг таъсири</i>	72
<i>Р.А.Жумаев. Трихограмма паразитини биолaбароторияларда кўсак қурти туққумларида яши кўпайтириш технологияси ва ғўза кемирувчи зараркунандаларига қарши қўллаш</i>	77

Биоэкология

<i>З.Б.Исмаилов, Б.Қ.Мухаммадиев. Соя ўсимлигининг замбуруғли касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари</i>	82
---	----

Тезишларлик белгисининг ўзгарувчанлиги ва ирсийланиши изланишлар тахлилари натижаларига кўра кўйидаги хулосалар қилинди:

- чагиштиришга жалб этилган навларни ўртача белгисининг кўрсаткичлари бўйича энг яхши навлар ажратиш мумкин: Наманган-34, M=109,3 к, Наманган-102, M=108,4 ва C-6550, M=108,6 кун;

- янги яратилган F₁ дурагай комбинациялар орасида ўртача белгисининг кўрсаткичи бўйича энг яхши дурагайлари ажратиш мумкин: Наманган-34 x Наманган-102, M=109,9 к, Наманган-34 x C-6550, M=108,6 к, Наманган-102 x Наманган-34, M=107,6 к, Наманган-102 x C-6550, M=108,9 к, C-6550 x Наманган-34, M=108,5 к ва C-6550 x Наманган-102, M=107,7 кун.

D.D.AKHMEDOV, V.A.AVTONOMOV

Variability, heritability and inheritance of the trait of early ripening in the inter - variety hybrids of F₁-F₂

Description of the field experience associated with the establishment of some genetic confirmities of variability, inheritance and heritability of earliness in the inter varietal cotton hybrids of F₁-F₂ of species *G. hirsutum* L. is given in the article.

The following conclusions were made according to the results of analysis on variability and inheritance of the trait of earliness:

- on the lower averaged indexes of the trait among varieties, involved into crossing may be picked out the best varieties as: Namangan-34, where M=109 days, Namangan-102, where M=108,4 days and C-6550, where M=108,6 days;

- on average indexes of the trait among newly created F₁ hybrid combinations may be picked out the best hybrids as:

Namangan-34 x Namangan-102, where M=109,9 days, Namangan-34 x C-6550, where M=108,7 days, Namangan-102 x Namangan-34, where M=107,6 days, Namangan-102 x C-6550, where M=108,9 days, C-6550 x Namangan-34, where M=108,5 days and C-6550 x Namangan-102, where M=107,7 days.

УДК 633.51:631.816/674

Н.Қ.РАЖАБОВ

СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ЗАРАФШОН ВА ЎНҚЎРҒОН-1 ҒЎЗА НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Тошкент вилояти суғориладиган типик бўз тупроклари шароитида сув-ўғит (NPK) лари меъёри, суғориш тартиблари, сони, тизими, суғоришлар давомийлиги, мавсумий суғориш меъёрларини ва мақбул сув-ўғит (NPK) меъёрларини ўрганилган ғўзанинг Зарафшон навида мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% да, ҳужайра шираси концентрацияси шоналашда 8,8-9,0%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,2-10,8% ва пишшиш даврида эса 12,3-12,9% оралиғида бўлганда суғорилганда NPK нинг 190-133-95 кг/га меъёрда қўлланилганда йиллар давомида 44,1-55,4 ц/га гача, ўртача 51,1 ц/га, Ўнқўрғон-1 навида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% да, ҳужайра шираси концентрацияси шоналашда 8,8-9,0%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,2-11,9% ва пишшиш даврида эса 12,3-12,9% оралиғида бўлганда суғорилганда, NPK нинг 220-154-110 кг/га меъёрда қўлланилганда 42,5-55,0 ц/га гача ўртача 50,1 ц/га юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилди.

Таянч сўзлар: ғўза нави, рефрактометр, ҳужайра шираси, мавсумий суғориш, ўғит (NPK) меъёр-нисбатлари, суғориш тартиблари, тупроқ аграфикаси, суғориш олди тупроқ намлиги, кўчат қатлиги, ҳосилдорлик.

ҚИРИШ

Республикада етиштирилаётган пахта толасининг ички ва ташқи бозор талабларини инобатга олган ҳолда ғўза навлари ҳосилдорлигини ва улардан олинadиган хомашё сифатини ошириш, минтакалар мисолида навлар парвариши агротехнологияларни ишлаб чиқиш ҳамда

амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу каби масалаларни ҳал этишда экилаётган янги районлаштирилган ва истиқболли ғўза навларини биологик хусусиятларига кўра минтакалар-вилоятлар мисолида маълум тупроқ-иклим-мелиоратив шароитдан келиб чиқиб ўрганилиши зарур. Жумладан, экилаётган ёки экиш

учун тавсия этилган янги ғўза навларининг су-ўғит (NPK) меъёрлари, кўчат қалинлиги ва суғориш тартибини ўрганиш, уларни сув танқислигига-курғоқчиликка, озиққа талабини аниқлаш сув танқислиги кузатилаётган кейинги йилларда жуда муҳим аҳамиятга эга. Юқоридагиларни инobatта олган ҳолда мавзу асосида тайёрланган “Дастур” да белгиланган лаборатория, дала, ишлаб чиқариш тажрибаларини ПСУБАИТИ нинг далаларида аввалдан суғориб дехкончилик қилиналган, ер ости сувлари сатҳи 8 метрдан чуқур бўлган типик бўз тупроқлар шароитида дала тажрибалари 2012-2014 йиллари ўтказилиши таъминланди. [1]

ТАЖРИБА ЖОИИ ВА УСЛУБИЁТИ

Тадқиқотлар ЎзПИТИ нинг (1981, 2007 й) услубий қўлланмаси асосида дала тажрибалари ўтказилиши таъминланди.

Тажриба 13 та вариант, 3 та такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлакча 8 қатордан эни-4,8 м, узунлиги 100 м, майдони 480 м², шундан ҳисоб майдони 240 м², 4 қатор, эни 2,4 м, узунлиги 100 м. Районлаштирилган ва истиқболли ўрта толали Зарафшон, Ўнқўрғон-1 ғўза навларининг ҳосилдорлиги икки хил ўғит меъёрларида N-190, P₂O₅-133, K₂O-95 ва N-220, P₂O₅-154, K₂O-110 кг/га, учта суғориш тартибларида, ЧДНСга нисбатан 65-65-60%, 70-70-60%, 70-75-60% да ҳамда шу суғориш режимида нисбатан қиёсий таҳлил қилиниб суғориш олдида ғўза барги шираси концентрацияси ўсув нуқтасидан учинчи ва тўртинчи барглр олинди кўл рефрактометри ёрдамида аниқланиб ўрганилди. Тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тажриба тизими

В	Ғўза навлари	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, % ҳисобида	Майдан ўғитлар меъёри, кг/га		
			N	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	C-6524	Назорат	200	140	100
2	Зарафшон	65-65-60	190	133	95
3		XШК (ККС)	220	154	110
4		70-70-60	190	133	95
5		XШК (ККС)	220	154	110
6		70-75-60	190	133	95
7		XШК (ККС)	220	154	110
8		Ўнқўрғон-1	65-65-60	190	133
9	XШК (ККС)		220	154	110
10	70-70-60		190	133	95
11	XШК (ККС)		220	154	110
12	70-75-60		190	133	95
13	XШК (ККС)		220	154	110

Изоҳ: XШК- Хужайра шираси концентрацияси. 2012-2014 йилларда “Зарафшон” ғўза навларининг номи “Оқдарё-8” бўлган.

Тажриба даласи тупроғининг агрофизикаси, тупроқнинг унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир яъни: механик таркиби, чекланган дала нам сифими (ЧДНС), сув ўтказувчанлик, ҳаяж оғирлиги, тупроқ зичлиги, ғовақлиги ва уларнинг микробиологик

кўрсаткичлари ғўза ўсимликлари илдири тармоқларининг жойлашуви июнь, июль, август, сентябрь ойларининг 1-3 кунлари фенологик кузатувларида ғўзанинг ўсиши, ривожланишига боғлиқлиги ўрганилди.

2-жадвал

Минерал ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрлари (соф ҳолда кг/га)

Тартиб рақами	Қўллаш муддатлари ва даври	1-меъёр			2-меъёр		
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O	N	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	Кўзги шудгор олдида	-	90	50	-	100	55
2	2-4 чин барг чиққанда	50	43	-	60	54	-
3	Шоғалашда	70	-	45	80	-	55
4	Гудлаш бошланганда	70	-	-	80	-	-
	Жами (йиллик меъёри)	190	133	95	220	154	110

Ўсимликларни сув-озика тартиблари, тупроқ агрофизик хусусиятларига узвий боғлиқлиги вариантлар асосида ўрганилиб, ўрганилган ғўза навларидан юқори ҳосил олишга эришилди. Чекланган дала нам сифими (ЧДНС) 2012-2014 йиллар давомида тупроқнинг 0-70 см қатламида 21,8-21,0%, 0-100 см қатламида эса 21,4-22,0 % га тенг бўлди. Сув ўтказувчанлиги олти соат давомида мавсум бошида эрта баҳорда ўртача 146,8-151,2 м³/га ни ташкил этди. [2,3]

Барча ғўза мажмуидаги ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва пишши, албатта, уларни парваришидаги сув-озика меъёрларига ва суғоришлар тартибига бевосита боғлиқлиги кузатилади. Тадқиқотларимизда ўрганилаётган ғўза навларининг ўсиш-ривожланишига суғориш ва озиклантириш тартибларининг таъсири мавсум бошланғичидан кузатувларимизда кўзга ташланди, айниқса амал даври охирида янада аниқроқ кўринди. Август ойининг бошида олинган кузатувларимиз маълумотларига кўра, бош поя баландлиги Зарафшон ғўза навида 73,5-93,4 см гача ўсганлиги кузатилади, Ўнкўрғон-1 ғўза навида бу кўрсаткич сув озика меъёрларига қараб мос равишда 73,4-92,1 см ни ташкил этди. Сентябрь ойининг бошида кўсақлар сони Зарафшон навида 10,6-16,6 донагача, Ўнкўрғон-1 навида 10,6-13,8 донагача тўпланганлиги аниқланди. Суғориш олди тупроқ намлиги 70-75-60% да суғорилганда 70-70-60, 65-65-60% да суғорилганга нисбатан ғўзанинг бўйи биров ўсиб кетганлиги кузатилади. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосилдорлиги, кўсақларнинг очиладиган муддати ва унинг сифати асосан суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал-ўсув суви ва мавсумий суғориш меъёрлари билан белгиланади. Ғўзанинг ривожланиш фазаларига қараб суғориш муддатларини тўғри белгилаш ва экинларни ўз вақтида суғориш, юқори ҳосил олишнинг энг муҳим гаровидир. Ғўза гуллаш фазасигача қанча эрта суғорилса, бўйига ўсиб, шоклаб, ғовлаб кетади, ҳосил тугунчалари ғўза туллариининг юқори бўғинлари-шокларида пайдо бўлади, бу эса ҳосилнинг пишиб етилишини секинлаштиради. Ғўзаларни гуллаш фазасигача тўғри суғорилиши унинг маромида ўсиши ва ривожланиши, илдиз тизимининг яхши ривожланишини таъминлайди.

Ўтказилган уч йиллик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича суғориш тартиблари бўйича суғориш олди тупроқ намлигини дастурда кўрсатилган меъёрда сақлаш суғориш, меъёри ва мавсумий суғориш миқдорини турлича бўлишга олиб келди. Суғориш тартиблари ҳамда меъёрларининг турлича бўлиши ўз навбатида ғўзанинг биологик хусусиятларига ва

тезширарлигига турлича таъсир кўрсатди. Ғўза навлари йиллар давомида 65-65-60% 1-2-2, 1-3-1 тартиби бўйича 5 мартадан суғорилди. Суғориш олди тупроқ намлиги вариантларида 60,7-66,5% оралиғида, қўл рефрактометри кўрсаткичлари шоналашда 9,8-9,9%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 11,3-11,4% ва пишши даврида эса 12,4-12,6%. Бир суғоришда 811-1150 м³/га, мавсум давомида 4795-5140 м³/га сув берилди, суғориш давомийлиги 24-32 соатни, суғориш оралиғи 17-25 кунни ташкил этди, 70-70-60% 1-3-2 тизим бўйича 6 мартадан суғорилди. Сув олди тупроқ намлиги вариантларида 60,5-71,4% оралиғида, қўл рефрактометри кўрсаткичлари шоналашда 8,8%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,2-10,8% ва пишши даврида эса 12,3-12,9%. Ҳар бир суғоришда 679-990 м³/га, мавсум давомида 5100-5510 м³/га миқдорда сув берилди, суғориш давомийлиги 19-32 соатни, суғориш оралиғи 13-23 кунни ташкил этди. 70-75-60% 1-4-2 тизим бўйича 7 мартадан суғорилди. Суғориш олди тупроқ намлиги вариантларида 61,5-76,4% оралиғида, қўл рефрактометри кўрсаткичлари шоналашда 9,0%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,2-11,9% ва пишши даврида эса 12,3% атрофида ўзгариб турди. Ҳар бир суғоришда 679-857 м³/га, мавсум давомида 5274-5600 м³/га миқдорда сув берилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% бўлганда ғўза навларининг биров бошқа суғориш тартибига нисбатан ўсиб кетганлиги, ҳосилни кечикишига олиб келганлиги кузатилади. [5,7]

ТАҶРИБА НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОҚАМАСИ

Ҳосилдорлик 2012-2014 йиллар давомида Зарафшон, Ўнкўрғон-1 навларида андоза (С-6524) навида нисбатан ўртача уч йилда 1,3-6,5 ц/га кўп ҳосил олинганлиги кузатилади, бунда Зарафшон ғўза нави тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% намликда, мавсумий суғориш меъёри 5110-5510 м³/га ни, NPK нинг 190-133-95 кг/га берилганда яши ҳосил мақбул 4-вариантимизда 44,1-55,4 центнергача этди, Ўнкўрғон-1 ғўза навида эса тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% намликда мавсумий суғориш меъёри 5274-5600 м³/га ни, ўғит меъёри NPK нинг 220-154-110 кг/га қўлланилганда яши ҳосил мақбул 13-вариантимизда 42,5-55,0 центнергача этди, бунда терим олди кўчат қалинлиги 73,0-95,1 минг туп гектарига ташкил этди. Бу вариантларида бир центнер пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув сарфи Зарафшон ғўза навида 92,4-124,9 м³/га, Ўнкўрғон-1 ғўза навида эса 99,9-131,8 м³/га ни терим олди битта кўсақдаги пахта вази йиллар бўйича ўртача 4,3-5,7 граммни ташкил этди. 3-жалвалда келтирилган. [8]

3-жадвал
Типик бўз гунороқлар шариотида қўзанинг Зарафшон, Ўнқўрғон-1 навларининг ўсиши, ривожланиши, қўсқалар сони ва пахта ҳосилдорлигига сув-ўтти (МРК) мевёр-либатларига боғлиқлиги
 (Тошкент вилояти)

В	Фўза навлари	Гунороқ намлиги чДНСТА анисобати, %	Минерал ўттилар мевёри, кг/га			Маъсуми В суворош мевёрига м ² /га 2012-2014 йил ўртача	Қўчат қалин-лиги минг тулу/га (2012-2014 йил ўртача)	1-3-сентябр		Пахта ҳосили, ц/га				1 ц пахта ҳосилига сарфланган сув сарфи, м ³ /д 2012-2014 йил ўртача
			Н	Р	К			Қўсқал дона	Шу жумладан очқилгани дона	2012	2014	ўртача		
1	С-6524	70-70-60	200	140	100	5242	83,3	11,6	6,2	38,5	47,4	48,0	44,6	117,5
2		65-65-60	190	133	95	4978	83,4	13,5	8,1	42,4	49,6	51,1	47,7	104,4
3			220	154	110		83,2	12,0	7,3	41,8	50,1	51,9	47,9	103,9
4	Зарафшон	70-70-60	190	133	95	5242	84,3	12,6	6,8	44,1	53,8	55,4	51,1	97,4
5			220	154	110		83,4	12,5	6,6	43,4	51,3	50,9	48,5	102,6
6			70-75-60	190	133	95	5456	83,8	12,8	5,5	41,4	49,9	50,5	47,3
7			220	154	110		84,1	12,7	5,3	42	48,7	50,6	47,1	111,3
8	Ўнқўрғон-1	65-65-60	190	133	95	4978	84,4	11,7	7,2	38,4	49,5	49,7	45,9	114,2
9			220	154	110		85,5	11,8	7,0	40,7	50,3	50,0	47,0	111,5
10			70-70-60	190	133	95	5242	84,6	12,5	6,3	39,4	50,1	51,0	46,8
11			220	154	110		83,8	12,7	6,6	40,4	50,3	50,7	47,1	115,8
12		70-75-60	190	133	95	5456	85,5	12,8	5,7	40,6	51,6	50,9	47,7	114,4
13			220	154	110		84,0	13,3	6,1	42,5	52,9	55,0	50,1	108,9

ХУЛОСА

Типик бўз тупроқлар шароитида, ер ости сувлари 8 метрдан пастда бўлган ер майдонларида уч йиллик (2012-2014 йй) илмий изланишларимизда тўпланган маълумотлар асосида қуйидагича хулосага келинди:

- эскидан суғорилиб келинаётган, ер ости сувлари сатхи узок жойлашган (8 метрдан кўп) типик бўз тупроқлари шароитида ўрта толали ғўзанинг “Зарафшон”, “Ўнхўрғон-1” навларини сув-минерал ўғит (НРК) лари меъёри-нисбатларини бир мунча камайтирилган ҳолда ва суғориш тартиблари сонини, тизими, суғоришлар давомийлигини, амал-сувлари ва мавсумий суғориш меъёрларини мақбул меъёрларини ўрганилаётган ғўза навларининг ўсиши, ривожланиш фазалари бўйича тахминланишнинг ўрганиш илмий асосланганини йўлга қўйиш.

- дала тажрибаларида ўрганилган ғўзанинг Зарафшон, Ўнхўрғон-1 навлари андоза С-6524 навида нисбатан ялли хосилдорлиги, тезпишарлиги, теримлар бўйича битта кўсакдаги пахта вази юкори бўлганлиги кузатилди.

- ғўзанинг Зарафшон навида мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% суғорилганда, НРК нинг 190-133-95 кг/га меъёрда қўлланилганда йиллар давомида 44,1-55,4 ц/га гача, ўртача 51,1 ц/га, Ўнхўрғон-1 навида эса тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% да, НРК нинг 220-154-110 кг/га меъёрда

қўлланилганда 42,5-55,0 ц/га гача ўртача 50,1 ц/га юкори сифатли хосил олишга эришилди.

- ғўзанинг Зарафшон нави эса бирмунча Ўнхўрғон-1 ва андоза С-6524 ғўза навларига нисбатан сувсизликга чидамлилиги кузатилди.

- дала, ишлаб чиқариш тажрибаларида ўрганилган ғўзанинг “Зарафшон”, навида амал-ўсув давридаги суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% бўлганда, хужайра шираси концентрацияси шоналашда 8,8-9,0%, гуллаш-хосил тўплаш даврида 10,2-10,8% ва пишшиш даврида эса 12,3-12,9% ораллигида бўлганда йиллар бўйича 1-3-2 тизим бўйича 6 мартадан суғорилди, ҳар бир суғоришда 679-990 м³/га, мавсум давомида 5100-5510 м³/га, “Ўнхўрғон-1” ғўза навида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% хужайра шираси концентрацияси шоналашда 8,8-9,0%, гуллаш-хосил тўплаш даврида 10,2-11,9% ва пишшиш даврида эса 12,3-12,9% ораллигида бўлганда 1-4-2 тизим бўйича 7 мартадан суғорилди. Ҳар бир суғоришда 679-857 м³/га, мавсум давомида 5274-5600 м³/га миқдорни ташкил этди. Юкоридаги амал суви, мавсумий суғориш меъёрлари мақбул вариантларда ғўза навлари бўйича юкори сифатли хосил олишни таъминлади;

- ер ости сувлари чуқур, ўртача оғир механик таркибли типик бўз тупроқларда экиш схемаси 60 см ли қаторларда ғўза навлари экилган ер майдонларида э гат узунлиги йилларнинг келишига сув таъминотига қараб эгат узунлиги 60-100 метрдан ошмаслигини таъминлаш зарур.

ТошДАУ

Қабул қилинган вақти
18 март 2016 йил

Алаб ётлар

1. *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф эттиришнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2009.

2. *Авлиёқулов А.Э.* Алмашлаб экишда зироатларни суғориш. «Меҳнат» нашриёти. Тошкент, 1988, -6.163-164.

3. *Авлиёқулов А.Э.* Жаҳон Мамлакатлари пахтачилиги, ЎзРҚСХВ, «Агроекономика ахбороти» Х.Ж, 02.42.98-билдириш. Тошкент, 1998, 1-6 бет.

4. *Авлиёқулов А.Э.* Истиқболли ғўза навлари ва уларни етиштириш технологияси. Халқоро анжуман маърузаларининг қисқача матилари. «Пахта мажмуидаги зироатларни етиштириш технологиясининг аҳоли ва ривожланиш истиқболлари». ЎзҚСХВ, ЎзПИТИ, Фарғона ш, 20-22 август, 1996, -6.30-33.

5. *Авлиёқулов А.Э., Юнусов Ш.Ю.* Ғўзани суғориш тартиби ва сув қўйиш техникаси. ЎзССЖ

Сурхандарё вилоятида илмий асосланган лекциончилик тизими. ЎзССЖ Давлат Агроекономика кўмитаси. ВАСХНИЛ ЎОБ. Тошкент, 1989, -6.62-71.

6. *Боттиров Ш.Ч., Саидқуродова М.* Тошкент вилояти типик бўз тупроқларида ғўзанинг “Денов” нави сув-озика меъёрлари ва суғориш тартиби //Фермер хўжаликларида пахтачилиги ва ғаллачилигини ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқоро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. - Тошкент, 2006. - 6. 295-296.

7. *Дадажонов М.* Ғўзанинг “Анджекон-38” нави ва унинг агротехникаси //Фермер хўжаликларида пахтачилиги ва ғаллачилигини ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқоро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. -Тошкент, 2006. - 6. 297-298.

8. *Доспехов Б.А.* Методика полевого опыта. М, 1985.

Н.К.РАЖАБОВ

Влияние режимов орошения и норм внесения минеральных удобрений на урожайность сортов хлопчатника Зарафшан и Ункурган-1.

Научно-исследовательские работы по изучению режимов орошения т.е. норм полива, сроков и числа их, а также нормы внесения минеральных удобрений (NPK), для сортов хлопчатника Зарафшан и Ункурган-1, проводились в условиях орошаемых типичных сероземных почв Ташкентской области.

Установлено, что для сорта Зарафшан предполивная влажность почвы должна быть 70-70-60% от ППВ, а концентрация клеточного сока в период бутонизации хлопчатника 8,8-9,0%, в период цветения и плодообразования 10,2-10,8%, в период созревания 12,3-12,9%. Нормы минеральных удобрений соответственно NPK-190; 133; 95 кг/га. Выше указанная предполивная влажность почвы и концентрация клеточного сока обеспечивали получение 44,1-55,4 ц/га, в среднем 51,1 ц/га хлопка-сырца. Для сорта хлопчатника Ункурган-1 предполивная влажность почвы должна быть 70-75-60% от ППВ, а концентрация клеточного сока в период бутонизации хлопчатника 8,8-9,0%, в период цветения и плодообразования 10,2-10,8%, в период созревания 12,3-12,9%. Нормы минеральных удобрений NPK-190; 133; 95 кг/га.

Установленная предполивная влажность почвы и нормы внесения минеральных удобрений обеспечивают получение урожая хлопчатника сорта Ункурган-1 - 42,5-55,0 ц/га, в среднем 50,1 ц/га хлопка-сырца.

N.Q.RAJABOV

Influence of irrigation and regimes of mineral fertilizers application on productivity of cotton varieties Zarafshan and Unqurgan-1.

Scientific research works on the studying of regimes of irrigation, i.g. the norm of watering, their terms and number, and also application norms of mineral fertilizers (NPK), for cotton varieties of Zarafshan and Unqurgan-1 are carried out in the conditions of typical serozem in Tashkent region.

It was set up that the moisture of soil prior to irrigation must be 70-70-60% from full soil humidity (FSH), and the concentration of cell juice at the period of cotton budding is 8,8-9,0%, at the blooming and fruit setting is 10,2-10,8%, at the ripening is 12,3-12,9%. The norms of mineral fertilizers correspondently to NPK-190; 133; 95 kg/ha. Prior irrigation moisture of soil and cell juice concentration mentioned above have ensured the gaining of 4.1-5.5 t/ha, or on average 5.1 t/ha of raw-cotton. Prior irrigation moisture of the soil to the variety of Unqurgan-1 must be 70-75-60% from the FSH and the concentrations of cell juice: at the period of budding-8,8-9,0%, blooming and fruit setting -10,2-10,8%, and maturing - 12,3-12,9%. The norms of mineral fertilizers of NPK correspondingly: 190; 133; 95 kg/ha.

Identified moisture of soil prior to irrigation and norms of mineral fertilizer application have provided of taking cotton yields - 4.3-5.5 t/ha, on average of 5.1 t/ha of raw cotton from the variety of Unqurgan-1.

УДК: 633.511:575.127.2:632.11

А.Ё.КУРБОНОВ, В.А.АВТОНОМОВ, Ш.Ш.ЭГ АМБЕРДНЕВ, Х.МАШРАПОВ

ФОРМИРОВАНИЕ ПРИЗНАКА «ВЫСОТА ЗАКЛАДКИ ПЕРВОЙ ПЛОДОВОЙ (СИМПОДИАЛЬНОЙ) ВЕТВИ» У МЕЖСОРТОВЫХ ГИБРИДОВ F₅ ХЛОПЧАТНИКА ВИДА *G.HIRSUTUM L.*

Одним из главных факторов, определяющих скороспелость, является высота закладки первой симподиальной ветви. Она является в равной мере важной, как для изучения биологии, так и для решения насущных задач сельского хозяйства. Скороспелость, как биологическое явление привлекает к себе широкое внимание исследователей и справедливо связывается ими с длиной вегетационного периода.